

Тарихга холис назар ташланганида, ҳар қандай боскин ўз номи билан аталиши керак. Бир халқнинг юртини эгаллаш, унинг давлатчилигини йўқ қилиш, аҳолисини қиргин қилиш, маданияти ва қадриятларини оёқости этишни турли мафқуравий шиорлар билан оклаш илмий ҳам, ахлоқий ҳам жихатдан қабул қилиниши мумкин эмас.

“Учинчи Рим” гоёси нима?

“Учинчи Рим” гоёси муайян сиёсий ва диний даъволарни асослаш учун шаклланган боскинчиларнинг мафқуравий назариясидир. Унинг мавжудлиги муайян давлатнинг барча ҳаракатлари адолатли бўлганини аңлатмайди. Тарихда деярли ҳар бир империя ўз юришларини “муқаддас вазифа”, “маданият олиб қелиш”, “тартиб ўрнатиш” ёки бошқа баландпарвоз шиорлар билан изоҳлаган.

Аммо шиорлар боскиннинг моҳиятини ўзгартирмайди.

Боскинни оклаш — жабрланганлар ҳақини поймол қилишдир

Ўрта Осиё, Кавказ, Сибир ва бошқа ҳудудларда амалга оширилган ҳарбий юришлар оқибатида минглаб инсонлар ҳалок бўлди, шаҳарлар вайрон қилинди, мустикал давлатлар тугатилди ва халқлар сиёсий эркинлигидан маҳрум этилди.

Шундай воқеаларни “учинчи Рим миссияси”, “тарихий вазифа” ёки бошқа мафқуравий иборалар билан безаш, амалда золимни оклаш ва жабрланганларнинг ҳақини инкор этишдир.

Илм аҳлининг вазифаси

Ҳақиқий олим ёки тарихчи ҳокимиятлар яратган афсоналарни эмас, манбаларни ўрганади. Унинг вазифаси қучли томонни эмас, ҳақиқатни ҳимоя қилишдир.

Тарихни сиёсий манфаат учун қайта ёзиш, боскинчиларни қаҳрамон, уларга қарши юртини ҳимоя қилганларни эса ёмон қўрсатиш илм эмас, балки тарғиботдир.

Ҳоинлик нимада?

Агар бир инсон ўз халқининг бошидан кечирган қиргинлар, зулмлар ва мустамлақачилик сиёсатини билган ҳолда, боскинчиларни турли мафқуравий тушунчалар билан оклашга ҳаракат қилса, у тарихий ҳақиқатга қарши чиқади.

Айниқса, мустамлақачилиқдан жабр қўрган халқ вақили туриб, боскинни оклашга ҳизмат қилиш маънавий масъулият нуқтаи назаридан оғир ҳолатдир. Бу миллат хотирасига беписандлик қилиш, жабрланган аждодлар қадрини арзимас нарсага айлантиришдир.

Ҳулоса

Муаллиф:

20.06.2026 23:18 -

Золим боскинчиларни “учинчи Рим”, “тарихий миссия” ёки бошқа мафкуравий тушунчалар билан оклаш тўғри эмас. Хар кандай боскин боскинлигича колади, хар кандай зулм эса зулмлигича бахоланади. Илмий ёндашув тарихни афсоналар билан эмас, далиллар билан ўрганишни талаб килади.

Шунинг учун боскинчиларнинг килмишларини турли мафкуравий никоблар оркали оклашга уриниш хакикатга эмас, таргиботга хизмат килади. Тарихга содиклик эса зулмни зулм, адолатни адолат деб айтишдан бошланади.

Абу Муслим (профессор)